

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**204 Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ходимлари
меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ–1675-сон қарорига мувофиқ ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари, концертмейстерлари ва раҳбар ходимлари меҳнатини қўшимча равишда рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ–1675-сон қарорига мувофиқ болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари, концертмейстерлари ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари 2012 йил 1 январдан бошлаб уларнинг педагогик юкмаси 10 фоизга кўпайтирилиши билан бир вақтда ўртача 20 фоизга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари ва концертмейстерларига педагогик юклама:

бошланғич синфлар ўқитувчилари ва концертмейстерларига — ҳафтасига 22 соат;

юқори синфлар ўқитувчилари ва концертмейстерларига — ҳафтасига 18 соат этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари, концертмейстерлари ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларининг янги миқдорларини белгиланган тартибда тасдиқласин;

болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари ва концертмейстерлари тарификациясига ўзгартиришларнинг ўз вақтида киритилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 3 май,
127-сон